

**“Кварц” акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари
умумий йиғилишининг 2-сонли
БАЁННОМАСИ**

2026 йил 14 сентябр

Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри

Йиғилиш Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 2а-уй, “Кварц” акциядорлик жамияти маъмурий биносида ўтказилди, йиғилиш соат 14:00 да бошланди.

Йиғилиш қонунчилик талаблари, жамиятнинг Устави ва кузатув кенгашининг 2026 йил 15 августдаги мажлиси қарорига асосан чақирилди.

Акциядорлар мазкур йиғилишни бўлиб ўтиши тўғрисида кузатув кенгашининг қарорига асосан қонунчиликда белгиланган тартибда, вақтда ва муддатда хабардор қилинди. Хусусан, юридик шахс бўлган акциядорларнинг юридик манзилларига ва жисмоний шахсларга электрон почта алоқаси орқали хабарномалар юборилган.

Шунингдек, йиғилиш бўлиб ўтиши ҳақидаги хабарнома жамиятнинг расмий веб-сайтида ва **Корпоратив ахборотлар ягона порталида** жойлаштирилган.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан акциядорларнинг умумий йиғилишини жамият кузатув кенгашининг раиси узрли сабабларга кўра иштирок этмаганлиги сабабли, йиғилишга раислик қилиш учун Б. Фармоновни ва йиғилиш котиби этиб Ғ. Мамаджоновни тайинлаш масаласи овозга қўйилди ва акциядорлар томонидан бир овоздан маъқулланди.

Йиғилиш санок комиссиясининг маълумотига кўра жамият акциядорларининг 2026 йил 8 сентябр ҳолатига шакллантирилган реестрига асосан “Кварц” АЖнинг номинал қиймати 1 715 сўм бўлган жами 96 449 218 дона акциялари мавжуд, шундан 96 449 218 дона акциялар овоз бериш ҳуқуқига эга оддий акциялардан иборатдир.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар сони 8 014 та ва уларга тегишли бўлган оддий акцияларнинг сони 96 449 218 донани ташкил этди.

Йиғилишда 86 616 340 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 12 та акциядорлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги номидан 2026 йил 12 сентябрдаги 02-9.2-17.1/501-сонли ишончномага асосан вакил Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси Б.Б.Фарманов қатнашди.

Йиғилиш кворуми 89,80 фоизни ташкил этди. Шу муносабат билан йиғилиш қарор қабул қилиш учун ваколатли.

Йиғилиш санок комиссияси аъзолари этиб З.Бурханов, Д. Исроилова ва Е.Ковзел сайланди.

Жамият акциядорлари ва уларнинг вакиллари (рўйхат илова этилади);

Йиғилиш раиси Б.Фарманов жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

ЙИҒИЛИШ КУН ТАРТИБИ:

1. “Кварц” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

2. Жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

3. “Кварц” акциядорлик жамиятининг 2026 йил якуни бўйича мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш тўғрисида.

Йиғилиш кун тартибини тасдиқлаш овозга қўйилди ва бир овоздан маъкулланди.

Йиғилишни асосий қисми бўйича чиқишлар йиғилиш президиуми бўйича олиб борилди.

Йиғилиш кун тартибидаги биринчи масала юзасидан (“Кварц” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига асосан йиғилиш раиси томонидан кун тартибидаги масалалар бўйича маъруза ва музокарага чиқувчилар учун қуйидаги йиғилиш регламенти маълум қилинди.

Йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича маърузалар учун 10 дақиқагача, савол-жавоблар учун 5 дақиқагача, санок комиссияси ишига 20 дақиқа вақт ажратилиши таклиф этилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, таклиф этилаётган йиғилиш регламентини тасдиқлаш жамият акциядорлари йиғилишидан сўралди.

Овозга қўйилган масала:

Жамият акциядорларининг йиғилишини ўтказиш регламенти қуйидагича тасдиқлансин:

- Кун тартибидаги масалалар бўйича ҳисобот ва бошқа маълумотларни тинглаш – 10 дақиқагача;
- Чиқишлар юзасидан савол ва таклифлар муҳокамаси – 5 дақиқагача;
- Санок комиссияси ишига 20 дақиқа вақт ажратиш.

Овоз бериш натижалари:

“тарафдорлар”- 86 616 340 та овоз; “қарши”- йўқ; “бетараф”-йўқ;

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан (Жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш) йиғилиш раиси Б. Фармонов сўзга чиқиб, йиғилиш иштирокчиларига қуйидагиларни маълум қилди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ – 270-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 апрелдаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ – 147-сон Қарорининг 2-банд (а) хатбошисида коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари ўз фаолиятида бевосита ташкилотнинг биринчи раҳбарига, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятларида эса кузатув кенгашига (кузатув кенгаши мавжуд бўлмаган ҳолларда корхона раҳбарига) бўйсунishi ва унинг олдида ҳисобдор бўлиши белгиланган.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мулкани бошқариш тўғрисида”ги Қонунининг 42-моддасида давлат иштирокидаги корхоналар акциядорларининг (иштирокчиларининг) умумий йиғилиши кун тартибига ташкилий тузилмани тасдиқлаш масаласи киритилаётганда, Кузатув кенгаши томонидан мазкур масала олдиндан кўриб чиқилиши белгиланган.

Шунга кўра, Жамият Кузатув кенгашининг 2026 йил 15 августдаги мажлисининг 3 сон баённомасига мувофиқ Жамиятнинг янги ташкилий тузилмасига қуйидаги ўзгартиришлар киритиш масаласи кўриб чиқилиб, маъқулланган.

Унга кўра, Жамиятнинг “Хавфсизлик, кўриқлаш ва комплаенс хизмати” тугатилиб, унинг ўрнида 2 та алоҳида — “Кўриқлаш хизмати” (таркибида Соқчилар, Ёнгин хавфсизлиги ва Фуқаро муҳофазаси бўлимлари билан) ҳамда “Комплаенс хизмати” ташкил этилмоқда.

Бунда, “Комплаенс хизмати”ни ижроия органи бўйсинуvidан чиқариб, тўғридан-тўғри Жамият Кузатув кенгаши бўйсунувига ўтказилмоқда.

Шунингдек, умумий штат бирликлари доирасида айрим бўлинмаларда штат бирликларини ўзгартириш назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасида жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кириши белгиланган.

Шундан сўнг, жамиятнинг янги ташкилий тузилма лойиҳаси билан йиғилиш иштирокчилари таништирилди (янги ташкилий тузилма лойиҳаси илова қилинади).

Шунингдек, “Коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари фаолияти тўғрисидаги намунавий низом”га (рўйхат рақами: 3826-сон, 06.05.2026 й.) мувофиқ устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятларида ички назорат бўлинма раҳбарлари Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан биргаликда ўтказиладиган очик танлов асосида ишга қабул қилиниши назарда тутилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киришини инобатга олган ҳолда, акциядорлардан Жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш масаласи бўйича овоз беришлари сўралди.

Овозга қўйилган масала:

1. Қуйидагилар:

Амалдаги қонунчилик нормалари асосида Жамиятнинг ташкилий тузилмаси кўриб чиқилганлиги ҳамда кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда маъқулланганлиги;

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасида жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кириши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Жамиятнинг янги ташкилий тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Жамият бошқарув раиси (Хусанов)га янги тасдиқланган ташкилий тузилмага асосан янги штат жадвалларини мувофиқлаштириш ҳамда бўлимларнинг

қисқариши муносабати билан ишчи-ходимлар билан белгиланган тартибда амалдаги меҳнат қонунчилигига асосан ҳисоб-китоб қилиш топширилсин.

Овоз бериш натижалари:

“тарафдорлар”- 86 616 340 та овоз; **“қарши”**- йўқ; **“бетараф”**-йўқ;

Йиғилиш кун тартибидаги 3-масала юзасидан (*“Кварц” акциядорлик жамиятининг 2026 йил якуни бўйича мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиши учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш тўғрисида*) Бошқарув раисининг Молия ишлари бўйича ўринбосари М.Мураев сўзга чиқиб, йиғилиш иштирокчиларига қуйидагиларни маълум қилди:

Ўзбекистон Республикасининг **“Давлат харидлари тўғрисида”**ги Қонуни талабларига асосан **“Кварц” АЖ**нинг 2026 йил фаолияти якунлари бўйича бухгалтерия ҳисоботи миллий (БҲМС) ва молиявий ҳисоботнинг халқаро (МҲХС) стандартлари асосида аудиторлик текширувидан ўтказилиши ҳамда МҲХСга мувофиқ консолидацияланган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш, жамият фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари (СМК) ҳисоботларининг тўғри ҳисобланганлигини ўрганиш юзасидан аудиторлик ташкилотини аниқлаш мақсадида давлат харидлари тизимида (etender.uzex.uz) 26120012510675 ҳамда 26120012510673-сон лотлар билан электрон танловга қўйилганлигини айтиб ўтди.

Ушбу лотлар бўйича номзодлардан электрон танлов ҳужжатларини қабул қилиш муддати 2026 йил 17 сентябрь кунига қадар давом этиб, **2026 йил 18 сентябрь** кунги ғолиблар танлов комиссияси томонидан аниқланишини билдирди.

Шу сабабли электрон танлов ғолиблари харид комиссияси томонидан аниқланганидан сўнг, акциядорларнинг кейинги умумий йиғилишида кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлаш учун қайта киритишни таклиф этди.

Ушбу таклиф юзасидан акциядорлардан овоз беришлари сўралди.

Овозга қўйилган масала:

1. Жамиятнинг 2026 йил фаолияти якунлари бўйича бухгалтерия ҳисоботи миллий (БҲМС) ва молиявий ҳисоботнинг халқаро (МҲХС) стандартлари асосида аудиторлик текширувидан ўтказилиши ҳамда МҲХСга мувофиқ консолидацияланган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш, жамият фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари (СМК) ҳисоботларининг тўғри ҳисобланганлигини ўрганиш юзасидан аудиторлик ташкилотини танлаш юзасидан etender.uzex.uz сайтида эълон берилганлиги, бироқ тендер якунига етмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Аудиторлик ташкилотини танлаш юзасидан тендер натижалари аниқлангандан сўнг, Жамият акциядорларининг кейинги йиғилиши кун тартибига киритилсин.

Саноқ комиссия овоз бериш натижаларини умумий йиғилиш иштирокчиларига эълон қилди.

Овоз бериш натижалари:

“тарафдорлар”- 86 616 340 та овоз; **“қарши”**- йўқ; **“бетараф”**-йўқ;

**Кун тартибидаги масалалар юзасидан Акциядорларнинг навбатдан
ташқари умумий йиғилиши
ҚАРОР ҚИЛДИ:**

1-масала бўйича:

Жамият акциядорларининг йиғилишини ўтказиш регламенти қуйидагича тасдиқлансин:

- Кун тартибидаги масалалар бўйича ҳисобот ва бошқа маълумотларни тинглаш – 10 дақиқагача;
- Чиқишлар юзасидан савол ва таклифлар муҳокамаси – 5 дақиқагача;
- Санок комиссияси ишига 20 дақиқа вақт ажратиш.

2-масала бўйича:

1. Қуйидагилар:

Амалдаги қонунчилик нормалари асосида Жамиятнинг ташкилий тузилмаси кўриб чиқилганлиги ҳамда кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда маъқулланганлиги;

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг **59-моддасида жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кириши** белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Жамиятнинг янги ташкилий тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Жамият бошқарув раиси (Хусанов)га янги тасдиқланган ташкилий тузилмага асосан янги штат жадвалларини мувофиқлаштириш ҳамда бўлимларнинг қисқариши муносабати билан ишчи-ходимлар билан белгиланган тартибда амалдаги меҳнат қонунчилигига асосан ҳисоб-китоб қилиш топширилсин.

3-масала бўйича:

1. Жамиятнинг 2026 йил фаолияти якунлари бўйича бухгалтерия ҳисоботи миллий (БҲМС) ва молиявий ҳисоботнинг халқаро (МХХС) стандартлари асосида аудиторлик текширувидан ўтказилиши ҳамда МХХСга мувофиқ консолидацияланган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш, жамият фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари (СМК) ҳисоботларининг тўғри ҳисобланганлигини ўрганиш юзасидан аудиторлик ташкилотини танлаш юзасидан etender.uzex.uz сайтида эълон берилганлиги, бироқ тендер якунига етмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Аудиторлик ташкилотини танлаш юзасидан тендер натижалари аниқлангандан сўнг, Жамият акциядорларининг кейинги йиғилиши кун тартибига киритилсин.


Йиғилиш раиси томонидан кун тартибига киритилган масалалар тўлиқ кўриб чиқилиб, тасдиқланганлиги муносабати билан йиғилиш ёпиқ деб эълон қилинди.

Йиғилиш раиси



Б.Б.Фарманов

Йиғилиш котиби



Ғ. Мамаджонов

Баённома имзоланган сана

«21» 09

2026 й.